

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори (соҳалар  
бўйича) магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент молия институти;
- “Тошкент” Республика фонд биржаси

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил 14 » 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418- сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рақамига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи.....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.	
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари .....	
1.2.	5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи	4
1.2.1.	5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари	
1.2.2.	5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари	
1.2.3.	5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари	
1.2.4.	5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари	
2.	5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар .....	8
2.1	Умумий компетенциялар.....	8
2.2.	Касбий компетенциялар.....	8
2.3.	Касбий квалификациялар.....	9
3.	5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	9
3.1.	5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	9
3.2.	5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми..	9
	Библиографик маълумотлар	10

## **1. 5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи**

**5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, магистрлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган талабага «магистр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) - тегишли мутахассислик бўйича квалификацияси киритилган «диплом» иловаси билан берилади. Иқтисод таълим соҳасининг магистратура таълим мутахассисликларининг битирувчилари таянч докторантура, докторантура ёки мустақил изланувчилик институтларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича)** магистратура мутахассислиги малака талабнинг қўлланилиши.

Малака талаби **5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклаврият битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича)** мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

**1.2.1. 5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича)** мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

**5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғозлар бозори (соҳалар бўйича)** магистратура мутахассислиги – иқтисодиёт субъектлари фаолиятини самарали ташкил қилиш ва бошқариш; молиявий назоратни амалга ошириш; капитал билан боғлиқ муносабатларини тартибга солиш; бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлувчи молиявий ҳамда статистик ахборотларни шакллантириш; капитал бозори ривожланишини таъминлаш; капитал бозори ва биржалар амал қилиш механизмининг самарали ташкил этиш, корпоратив тузилмаларнинг молия бозоридаги операцияларини ташкил этиш; қимматли қозғозлар бозори фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш; қимматли қозғозлар бозорида воситачилик операцияларини амалга ошириш; корпоратив тузилмаларнинг қимматли қозғозлар бозорида операцияларини ташкил этиш; молиявий ресурслар жалб қилишда капитални баҳолаш ва инвестиция фаолиятида молиявий активлар даромадлилигини баҳолаш; рискларни баҳолаш ва олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

**1.2.2. 5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори (соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлатириш агентлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги;
- таълим муассасалари;
- реал сектор корхоналари;
- тижорат банклари;
- сугурта ташкилотлари;
- лизинг компаниялари;
- фонд, валюта ва товар хом ашё биржалари;
- қимматли қозғалар бозори профессионал иштирокчилари;
- илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик институтлари илмий лойиҳалари;
- қимматли қозғалар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи;
- Қимматли қозғалар марказий депозитарийси.

**1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- молиявий-иқтисодий фаолият;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

**1.2.4. 5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори (соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

**5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори (соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:**

**Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:**

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашв этиш;
- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармогида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидирини ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;
- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув мангулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукамал ўзлаштириш;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

### **Молиявий-иктисодий ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- давлат молияси, корпоратив молия ва капитал бозорини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунилари, қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидан фойдалана олиши;
- корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар соҳасини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чуқур билиши ва ўз иш фаолиятида қўллай олиши;
- капитал бозори ва биржалар фаолиятини ривожлантириш бўйича давлат томонидан белгиланган асосий йўналишларни амалга ошира олиши;
- қимматли қоғозлар бозорининг мамлакат иктисодиётидаги ўрни, хусусиятлари ва моҳиятини билиши;
- тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида акциядорлик жамиятлари фаолият механизмини билиши;
- инвесторлар ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтлари ва усулларини билиши;
- республикада қимматли қоғозларнинг эмиссияси, жойлаштирилиши ва муомалада бўлиш тартибини билиши ҳамда келтириб ўтилган жиҳатлар бўйича назоратни таъминлай олиши;
- белгиланган тартиб асосида қимматли қоғозлар савдосини ташкил эта олиши;
- қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган профессионал фаолият турлари билан шугуллана олиши;
- қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни ваколатли орган томонидан назорат қилиш тартибини амалда қўллай олиши;
- қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни ошқор қилиш ва чоп этиш тартибидан келиб чиққан ҳолда тегишли ишларни амалга ошириши;
- хўжалик юритувчи субъектларда режа ва бюджетларнинг асосий иктисодий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш учун зарур дастлабки маълумотларни тайёрлаш;
- молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини (математик моделлаштириш, эконометрик прогнозлаш, эксперт баҳолари, трендлар ва сценарийларни тайёрлаш, стохастик усуллар) қўллаш;
- жамоавий молиялаштириш (инвестиция фондлари, пай фондлари фаолияти асосида) амалиётдан фойдаланиш;
- қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солиши муаммоларини билиши ва уларни ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар бера олиш;
- маркет-мейкерлик фаолиятини ташкил эта олиш ва бу фаолият билан шугулланиш;
- электрон овоз бериш ва Марказий депозитарий томонидан кастодиан фаолиятини ташкил қилиниши, шу жумладан дивидендларни марказлаштирилган ҳолда тақсимланиши хусусиятлари ва моҳиятини билиш;
- қимматли қоғозлар бозорига янги қимматли қоғозларни (масалан, ипотека қимматли қоғозларини) тадбиқ қилиш ва уларни жойлаштириш;
- миллий ва халқаро бозорларда қимматли қоғозларни оммавий жойлаштириш (IPO, SPO) операцияларини ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказиш;
- касбий фаолият соҳаси бўйича қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун зарур статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш;
- ҳисоб-китобларни таҳлил қилиш ва ўз ечимини асослаш, молиявий ва иктисодий маълумотларни қайта ишлаш учун турли воситалардан фойдаланиш;
- молиявий-иктисодий жараёнларнинг тавсифи асосида назарий ва эконометрик стандарт моделларини яратиш, улардан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва изохлаш;
- халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш;
- молиявий режалаштириш ва прогнозлаш учун бухгалтерия, молиявий ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;

- тегишли иктисодий кўрсаткичлардан фойдаланган ва дастлабки маълумотларни таҳлил қилган ҳолда корпоратив тузилмаларда молиявий ва бизнес режа ҳамда ҳисоботларни тузиш;
- молиявий кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси ва тенденцияларини таҳлил қилиш;
- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш;
- тақдим этилган лойиҳаларнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, уларнинг молиявий-иктисодий натижаларни таҳлил қилиш;
- илмий ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти муаммоларини чуқур таҳлил қилиш, масалаларни кўйиш ва асослаш;
- илмий-амалий лойиҳалар бизнес-режаларини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш.

#### **Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- корпоратив бошқарув бўйича Иктисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (OECD) тавфиси, таърифи ва принципларини билиши;
- қимматли қоғозлар бозори бўйича Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилоти (IOSCO)нинг принциплари ва тавсияларини билиши;
- корпоратив тузилмаларда молиявий бошқарувни ташкил этиш ва амалга ошириш;
- корпоратив тузилмаларда нарх шаклланишини бошқариш орқали молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш;
- корпоратив тузилмалар қимматли қоғозларини миллий ва халқаро фонд биржаларида муваффақиятли жойлаштириш;
- қимматли қоғозлар бозорида ахборотлар ошқоралигини таъминлаши зарур;
- корпоратив тузилмаларда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш орқали арзон молиявий ресурсларни жалб қилиш;
- корпоратив тузилмаларда инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқиш, улар самарадорлигини баҳолаш ва инвестицион фаолиятни самарали ташкил этиш;
- корпоратив тузилмаларда фаолият бўйича молиявий рискларни баҳолаш ва таъсир даражасини камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини самарали ташкил этиш орқали солиқ мажбуриятларининг белгиланган тартибда бажарилишини назорат қилиш ва солиқларни минималлаштириш чора-тадбирларини кўриш;
- корпоратив тузилмаларда фаолиятни самарали ташкил этиш ва фойдани максималлаштириш орқали хўжалик субъекти бозор қийматини максималлаштириш;
- корпоратив тузилмаларда инкирозга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва инкироз ҳолатларининг олдини олиш;
- акциядорлик жамиятлари дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;
- e-learning ва m-learning технологиялари ҳамда бошқа техник воситалар асосида корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш, ходимларни ўқитишни ташкил қилиш;
- ходимларни мақсад йўналтирилган фаолиятини ташкил этишнинг инновацион усулларини татбиқ этиш;
- корпоратив тузилмалар фаолиятини ташкил этиш, улар фаолиятини юритиш ва назорат қилиш;
- фонд бозорида корпоратив қимматли қоғозлар муомаласини ташкил этиш орқали капитал жалб қилиш;
- сугурта бозорида рискларни камайтириш бўйича операцияларни ташкил этиш;
- пул-кредит бозорида молиявий таъминот ва инвестицион фаолият бўйича

операциялар ташкил қилиш;

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга инновацион ишланмаларни жорий этиш;
- олинган фойдани реинвестициялаш ва мулкдорлар ўртасида тақсимлаш бўйича оптимал қарорлар қабул қилиш;
- корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори ривожланишининг тенденцияларини аниқлай олиш, соҳани ривожлантириш юзасидан илмий ва амалий тавфсиялар ишлаб чиқиш;
- корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бўйича консалтинг хизматларининг халқаро амалиётда қўлланилаётган замонавий турларини билиш;
- корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозорида фаолиятни ташкил этишга доир консалтинг хизматларини кўрсатиш.

## **2. 5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори (соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва ношароит ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб

боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;

- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, инфор­мацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни иқтисодий эспертизадан ўтказишни билиш.

### 2.3. Касбий квалификациялар

Иқтисодчи, молиячи, молиявий менежер, брокер, диллер, андеррайтер, маркет мейкер, корпоратив бошқарувчи, трейдер, агент, молиялаштириш бўйича бош мутахассис, молиявий масалалар бўйича директор, товар-хом ашё биржаси брокери, қимматли қозғалар бозори брокери, молия-иқтисод департаменти мутахассиси, мутахассислик бўйича ўқитувчи квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

## 3. 5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори (соҳалар бўйича)

магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори (соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафта­лар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Умумметодологик фанлар”, “Мутахассислик фанлари”, машгулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белги­ланади.

3.2. 5A230602 – Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори (соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкла­масининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белги­ланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машгулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белги­ланади.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*
Назарий таълим ва илмий фаолият	54%
Шу эҳ­сулда, мустақил таълим	-
Аттестациялар	9%
Таътиллар	18%
Илмий амалиёт (стажировка)	19%

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, молия, корпоратив бошқарув, корпоратив молия, молия бозори, халқаро молия бозори, қимматли қоғозлар бозори, корпоратив молия стратегияси, молиявий хавфсизлик. биржа иши, дивиденд сиёсати, дисконтлаштириш, капитал баҳосини аниқлаш. молиявий активлар даромадлигини баҳолаш, молиявий рискларни баҳолаш ва олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва назорат қилиш, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари, молиявий таҳлил, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаштириш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Тошкент молния институти



Ректор в.в.б. С.У. Дехмонов

2020 йил « 23 » 07

**“Ўзагроусурта” СК АЖ**



Бошқарув раиси

Биринчи ўринбосари М.Мирабзалов

2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш таъжикотлари ва илгор  
технологияларни тартиқ этиш маркази



Директор Э.Т. Накимов

2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети



Ректор К.Шаринов

2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

**INNOTEK INVEST МЧЖ**



Бош директор А.Ходиев

2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

**Галла-алтег АЖ**



Бошқарув раиси Б.Холмухамедов

2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

Тошкент молия институтида тайёрланадиган 5A230602 – “Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори (соҳалар бўйича)” магистратура мутахассислиги бўйича малака талаби ва ўқув режасини ишлаб чиқувчилар ҳамда кадрлар истеъмолчилари ўртасида

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“ ” \_\_\_\_\_ 201\_\_ й.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори З.Х.Ҳақимов, “Ўзагросуғурта” СК АЖ Бошқарув раиси Биринчи ўринбосари М.Мирабзалов, Ғалла-алтег АЖ бошқарув раиси Б.Холмухамедов, INNOTEK INVEST МЧЖ бош директори А.Ҳодиев, Тошкент молия институти ректор в.в.б. С.Мехмонов, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. 5A230602 – “Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори (соҳалар бўйича)” магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3151-сон, 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 22 майдаги 328-сонли, 26 майдаги 344-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 3 июндаги 365-сонли, 5 июндаги 369- ва 371-сонли, 16 июндаги 399- ва 404-сонли, 19 июндаги 407-сонли, 7 июлдаги 458-сонли ва 10 июлдаги 460-сонли буйруқларига асосан “Тошкент” Республика фонд биржаси ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. 5A230602 – “Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори (соҳалар бўйича)” магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори, “Ўзагросуғурта” СК АЖ, Ғалла-алтег АЖ, INNOTEK INVEST МЧЖ мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. 5A230602 – “Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори (соҳалар бўйича)” магистратура мутахассислиги малака талаблари ва ўқув режаси кадрлар истеъмолчиси – “Тошкент” Республика фонд биржаси, Ўзтемирийўлконтейнер

акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Асосий кадр истеъмолчи сифатида “Тошкент” Республика фонд биржаси, Ўзтемирйўлконтейнер акциядорлик жамияти мутахассисларининг таклифлари 5A230602 – “Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори (соҳалар бўйича)” магистратура мутахассислиги малака талаблари ва ўқув режасини мукамаллаштиришда инобатга олинди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талаби ва ўқув режасини ўқув жараёнига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги ҳузуридаги Олий  
таълимни ривожлантириш  
тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш  
маркази директори

\_\_\_\_\_ З.Х.Ҳақимов


“Ўзагросуғурта” СК АЖ  
Бошқарув раиси  
Биринчи ўринбосари

 М.Мирабзалов

Галла-алтег АЖ Бошқарув раиси

Тошкент молия институти  
ректор в.в.б.

  
\_\_\_\_\_ Б.Холмухамедов

  
\_\_\_\_\_ Е.Ҳ.Мухмонов

INNOTEK INVEST МЧЖ  
Бош директори

  
\_\_\_\_\_ А.Ҳодиев

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори, “Ўзагросуғурта” СК АЖ, Фалла-алте АЖ, INNOTEK INVEST МЧЖ томонидан тақдим этилаётган 5A230602 – “Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори” магистратура мутахассислиги учун янгидан яратилаётган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари

т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши* НОМИ	Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари
1.	5A230602 Корпоративмолиявақимматлиқоғозларбозори (соҳаларбўйича)	<p><b>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- корпоратив тузилмалар фаолияти, корпоратив молияни бошқариш, қимматли қоғозлар бозори бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини билиши ва уларни қўлай олиши;</li> <li>- корпоратив тузилмалар фаолиятини ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва фаолиятини амалга ошириш бўйича тавсиялар бера олиши;</li> <li>- қимматли қоғозларни муомалага чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни жойлаштириши;</li> <li>- корпоратив тузилмаларда бюджетлар, молиявий режалар, бизнес-режалар, молиявий ҳисоботларнинг асосий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш учун зарур дастлабки маълумотларни тайёрлашда иштирок этиш;</li> <li>- корпоратив молиявий муносабатларда ва қимматли қоғозлар бозоридagi операцияларда молиявий рискларни бошқариш;</li> <li>- лойиҳалар, бизнес-режаларни тузиш, улар ижросини ташкил этиш, ҳисобини юритиш, халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш;</li> <li>- солиқ муносабатларини ташкил этиш, солиқларни режалаштириш, шунингдек, солиқ тизимининг алоҳида элементлари тўғрисидаги ахборотларни шарҳлаш ва таҳлил қилиш;</li> <li>- корпоратив тузилмаларнинг қимматли қоғозлар бозоридagi инвестицион мақсадларда молиявий операцияларини ташкил этиш ва ўтказиш;</li> <li>- корпоратив тузилмалар ташқи иқтисодий фаолиятини самарали ташкил этиш;</li> <li>- молия бозори институтлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш;</li> <li>- давлат ва хусусий шерикчилик асосида лойиҳаларни амалга оширишда корпоратив тузилмаларнинг фаол иштирокини таъминлаш;</li> <li>- миллий ва халқаро бозорларда қимматли қоғозларни оммавий жойлаштириш (IPO, SPO) операцияларини ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказиш;</li> <li>- корпоратив тузилмалар фаолият самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил асосида молиявий барқарорлик даражасини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;</li> </ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>- корпоратив бошқарув ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича давлат томонидан белгиланган асосий йўналишларни амалга ошира олиши;</li> <li>- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш механизмларини билиши ва амалда қўлай олиши;</li> <li>- қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларида олди-сотди операцияларини ташкил эта олиши;</li> <li>- қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган профессионал фаолият турлари билан шуғуллана олиши;</li> <li>- қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни ваколатли орган томонидан назорат қила олиши;</li> <li>- қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни ошқор қилиш ва чоп этиш тартибидан келиб чиққан ҳолда тегишли ишларни амалга ошириши;</li> <li>- инвесторлар ва миноритар акциядорлар ҳуқуқларининг химоя қилиниши бўйича тегишли чора-тадбирларни қўлай олиши.</li> <li>- илмий манбаларга асосланган ҳолда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга оид инновацион, амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш.</li> </ul>
--	---

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги  
Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни  
татбиқ этиш маркази директори

“Ўзагросуғурга” СК АЖ Бошқарув раиси Биринчи ўринбосари,

Ғалла-алтег АЖ бошқарув раиси

Тошкент молия институти ректор в.в.б.

INNOTEK INVEST МЧЖ Бош директори

З.Х.Хакимов

М.Мирабзалов

Б.Холмухамедов

С.Меҳмонов

А.Ҳодиев



**5A230602 – “Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори (соҳалар бўйича)” магистратура мутахассислиги малака талабларига**

**ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

**5A230602 – “Корпоратив молия ва қимматли қозғалар бозори (соҳалар бўйича)” магистратура мутахассислиги малака талабини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 20 июндаги “2020-2021 ўқув йилидан таълим жараёнини кредит-модуль тизимига ўтиши тўғрисида”ги 357-сонли буйруғи.

Малака талабини ишлаб чиқишда бакалаврият таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-фармонларини мукамал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юкчасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъерий-қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди

5A230602 – “Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори (соҳалар бўйича)” магистратура мутахассислигига тажрибада синовдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъерлари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарақиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат талим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

**Тошкент молия институти  
“Корпоратив молия ва қимматли  
қоғозлар” кафедраси мудири**



**С.Элмирзаев**

Анализ учебного плана специальности магистратуры "Корпоративные финансы и рынок ценных бумаг"				
На примере ведущих ВУЗов зарубежных стран			Предлагаемый вариант дисциплин ко второму блоку учебного плана	
АКШ	Англия	Россия	К-во	Название
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Финансовый учет</li> <li>• Финансовый менеджмент</li> <li>• Управленческий учет</li> <li>• Моделирование и аналитика</li> <li>• Корпоративные финансы</li> <li>• Налоговые факторы в бизнес-решениях</li> <li>• Внутренний консалтинг и контроль</li> <li>• Нормативно-правовая база</li> <li>• Судебно-бухгалтерский учет и финансовые расследования</li> <li>• Международная финансовая отчетность</li> <li>• Деятельности биржи</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Корпоративные финансы</li> <li>• Финансовая отчетность и оценка бизнеса</li> <li>• Международный финансовый менеджмент</li> <li>• Деловое общение по финансам</li> <li>• Мировые финансовые рынки</li> <li>• Управление портфелем ценных бумаг</li> <li>• Экономика предприятия</li> <li>• Финансирование проектов</li> <li>• Малый бизнес и предпринимательство</li> <li>• Корпоративное управление</li> <li>• Расширенный Корпоративные финансы</li> <li>• Корпоративный финансовый анализ</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Макроэкономика</li> <li>• Эконометрика</li> <li>• Принципы корпоративных финансов</li> <li>• Оценка стоимости компании (продвинутый уровень)</li> <li>• Управление стоимостью компании</li> <li>• Венчурный капитал</li> <li>• Международный финансовый менеджмент</li> <li>• Корпоративное управление</li> <li>• Корпоративный риск-менеджмент</li> <li>• Слияния, поглощения и реструктуризация фирмы</li> <li>• Международные стандарты финансовой отчетности (продвинутый уровень)</li> <li>• Финансовое моделирование: корпоративная и отраслевая специфика</li> <li>• Управление инвестиционных проектов</li> <li>• Корпоративное налоговое планирование</li> <li>• Стратегический менеджмент</li> <li>• Финансовые технологии</li> </ul>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1.</li> <li>2.</li> <li>3.</li> <li>4.</li> <li>5.</li> <li>6.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Корпоратив бошкарув</li> <li>2. Корпоратив молия стратегияси</li> <li>3. Халқаро молия бозори</li> <li>4. Инвестиция лойиҳаларини бошқариш</li> <li>5. Биржа иши</li> <li>6. Корпоратив солиқларни режалаштириш</li> </ol>



1.03	Амалий хорижий тил	150	60	60	60	90	2	2	2	2	2	4
2.00	Мутахасенлик фанлари	1050	29.2	420	210	210	2 Ки	630	12	12	4	35
2.01.	Корпоратив бошқарув	300	120	60	60	60	Ки	180	4	4		10
2.02.	Биржа иши	150	60	30	30	30	Ки	90	4	4		5
2.03.	Халқаро молна бозори	300	120	60	60	60	Ки	180	4	4		10
2.04.	Инвестиция лойихаларини бошқариш	150	60	30	30	30		90	4	4		5
2.05.	Корпоратив молна стратегияси	150	60	30	30	30		90			4	5
2.06.	Танлов фанлари	450	12.5	210	104	106		240	4	6	4	15
3.00	Жами	1800	50.0	750	346	404		1050	20	20	10	60
3.01.	Илмий фаолият	1800	50.0	810				990	6	6	16	30
3.01.	Илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш	900	510					390	2	2	10	14
3.02.	Илмий семинар	240	90					150	2	2	2	8
3.03.	Илмий-педагогик иш	300	120					180	2	2	4	10
3.04.	Илмий амалиёт (стажировка)	360	90					270			6	12
	Жами	3600	100	1560				2040	26	26	26	120
	Аттестациялар	540										
	ХАММАСИ	4140							26	26	26	120

Давлат аттестацияси:  
Магистрлик диссертациясини химоя қилиш

**Изоҳ:**

1. Олий таълим муассасаси мутахасенлик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда қарлар буюртмачиларининг талабларини инобатга олади.
2. Фанлар бўйича курс лойихасининг (ишининг) юқламаси бир талаба учун 0.12 кредит миқдорда белгиланади.



“Корпоратив молна ва қимматли қоғозлар” кафедраси муdiri

С.Элмирзаев